

Ҳиндистондаги Қуръон мусобақасида 8 минг киши иштирок этди



07:30 / 20.02.2019 2421

Бу битта штатда ўтказилган мусобақада иштирок этган қатнашувчиларнинг миқдоридир. Андра Прадеш штатида ўтказилган Қуръони карим мусобақасида жами 8 минг киши қатнашган, деб хабар беради Ҳиндистоннинг Hanes ахборот манбаси.

Қуйи туманлардан бошланиб охири штат босқичида 500 кишидан иборат 6 та гуруҳда ўзаро куч синашган. Қуръон тадқиқотлар уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу мусобақа одамларда катта таассурот уйғотди.

Ҳиндистон Ислом жамияти вазири иштирокчиларни тақдирлаш маросимида: “Мусобақага болалар жангари, беҳаё фильмлар кўрсатаётган телевизор, компьютер ва уяли телефонларга боғланган ҳолда келдилар.

Айнан шу каби мусобақалар фарзандларимизда ахлоқий фазилатларни шакллантиришга катта ёрдам бермоқда”, деди.

***Islom.uz* портали тахририяти**